
**“КОРОНАВИРУСНИ БИРГАЛИКДА ЕНГАМИЗ” ТУМАН ҲОКИМИ
А.АБДУЛЛАЕВНИНГ (в.в.б) ТУМАНИМИЗ ФУҚАРОЛАРИГА М У Р О Ж А А Т
И**

Азиз тумандошлар!

Айни пайтда юртимизда, бутун дунё халқлари олдида яна бир синов - COVID-19 инфекцияси тарқалиши хавф хатар солиб турибди.

Ишонаманки, биз Данғараликлар бу коронавирус инфекциясини енгиб ўтамыз.

Серқуёш юртимизда коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ҳамда инфекцияга қарши профилактик ишлар тизимли асосда олиб борилмоқда. Коронавирус пандемиясини олдини олиш бўйича туманда штаб фаолияти йўлга қўйилган, мавжуд ҳолат таҳлил қилиб борилмоқда.

Бизнинг иродамыз мустаҳкам, энг муҳими миллий қадриятларимиз, динимиз, иймонимиз поклиги, озодалик, тартиб-интизом, ҳамжихатлилик менталитетимизга ҳослиги боис ҳар қандай касалликни енгиб ўтишимизга ишонаман.

Қадрли Данғараликлар, отахон ва онахонлар, опа-сингил, ака-укалар, азиз ўғил-қизларимиз. Бугун барчамиз қўлни-қўлга бериб, турли ваҳима ва сохта миш-мишлардан йироқ бўлган ҳолда Сизларни иродали, бардошли бўлишга чақираман.

Сизларни мамлакатимизда эълон қилинган карантин қоидаларига тўла амал қилишга, санитария-гигиена талабларига риоя этишга ва тиббий ниқоблардан самарали фойдаланишга, фарзандларингиз келажаги, соғлиғи қолаверса халқимиз хавфсизлиги учун уйда қолиб фуқаролик бурчингизни адо этишингизни сўрайман.

Туман маркази ҳамда ҳудудларда арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги савдо ярмаркалари йўлга қўйилганлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари захираси етарлилигини маълум қиламан.

Биргаликда катта кучмиз ва албатта, коронавирусни енгамиз. Бу борада ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, ягона ва эзгу мақсад сари қатъий олға борайлик!

2020-03-26 09:01:02